

Ана ўшалар - ўзлари оловнинг ёқилғисидирлар

09:06 / 07.11.2018 3843

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

مِّنْ أَوْلَادِهِمْ وَلَا أَمْوَالِهِمْ عَنْهُمْ تَغْنِي لَنْ كَفَرُوا الَّذِينَ إِنَّ

النَّارِ وَقُودُهُمْ وَأُولَئِكَ شَيْئًا لِلَّهِ

Оли Имрон

«Албатта, куфр келтирганларга уларнинг моллари ҳам, болалари ҳам Аллоҳ(азоби)дан бирор нарсага асқотмас. Ана ўшалар - ўзлари оловнинг ёқилғисидирлар» (21-оят).

Одатда ҳимояга муҳтож одам бу дунёда мол-дунёсини, фарзандларини ишга солади. Кофирлар бу нарсани ўзгармас қоида, деб тушунадилар. «Пулинг бўлса, чангалда шўрва» қабилда фикр ва иш юритадилар. Куфр ҳукм сурган жамиятда ҳаммадан кучли нарса пул бўлиб, «пули бор одам хоҳлаган ишини қила олади» деган эътиқод бор.

Лекин, агар Аллоҳ таоло бирор бандага азобни ирода қилиб қолса, уни на пули ва на болалари Аллоҳнинг азобидан қутқара олмайди:

«Албатта, куфр келтирганларга уларнинг моллари ҳам, болалари ҳам Аллоҳ(азоби)дан бирор нарсага асқотмас».

Аксинча, баъзи вақтларда айнан молу дунёси ёки бола-чақаси бошига битган бало бўлади. Охиратдаги ҳоллари эса ҳеч шак-шубҳасиз, маълум:

«Ана ўшалар - ўзлари оловнинг ёқилғисидирлар».

Ҳа, молу дунёси, бола-чақаси кўплигидан ғурурга кетиб, кофир бўлган шахслар охиратда дўзах оловига ёқилғи бўлишдан бошқага ярамайдилар.